



18 март куни Кения Ислом суди раиси Кади Ахмад Модхар спиртга асосланган антисептиклардан мақсадли фойдаланиш гуноҳ эмас, деб айтди хабар килади Кениянинг The Star нашри.

---

"Алкоголь тақикланган ... агар у маст киладиган бўлса, лекин агар у яраларни дезинфекциялашда ёки тозалаш воситаси сифатида ишлатилса, бу жуда нормал", - деди Ахмад Модхар.

Кениянинг бош Ислом судьяси, шунингдек, мусулмонлардан гавжум масжидларга ташриф буюришни ва дафн маросимларини коронавирус инфекцияси тарқалиши хавфи туфайли чеклашни талаб қилди.

"Красная Весна"га кўра, ҳозирги пайтда Кенияда коронавирус инфекциясининг етти ҳолати тасдиқланган. Мамлакат расмийлари учрашувлар, саёхатларга чекловлар қўйган ва чегараларда каттик санитария назорати остида.